



МУНОСАБАТ

МАМЛАКАТИМИЗДА ГЕОЛОГИЯ
МАКТАБИНИ ТИКЛАШ

ҳамда соҳани янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам

Бир пайтлар мамлакатимизда геология анча ривожланган, рақобатбардош соҳа бўлган. Лекин орада муайян муддат соҳа эътибордан четда қолиб кетди. Олимларга етарлича эътибор қаратилмагани ҳам, хизмати муносиб рағбатлантирилмагани ҳам бор гап. Натижада замонавий кадрлар тайёрлашда узил-кесил юз берди. Ваҳолаки, геологиясиз sanoatни, иқтисодий тараққиётни тасаввур қилиб бўлмаслиги ҳаммага кундек равшан.



Кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан соҳа тубдан ислоҳ қилинди. Тизим фаолиятида янги давр бошланди. Энг муҳими, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи оқилона ечим топди. Геология ривожига асос бўладиган илм даргоҳига, таъбир жоиз бўлса,

замонавий таълим кластерига пойдевор қўйилди. Утган йили 31 январь куни Геология фанлари университети таъмирга таъминот топи қўйилгани тарихий воқеа бўлди. 2020 йил 8 июнда Президентимизнинг “Давлат геология ва ми-

нерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Сўнг давлатимиз раҳбари геология соҳасини такомиллаштириш бўйича

бир неча бор йиғилиш ўтказиб, қатор топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Шунингдек, утган йили 16 октябрда университетдаги қурилиш жараёни билан танишди, у ердаги қурилиш ишлари ва олимлар олдида турган вазифалар борасида фикр-мулоҳаза билдирди, зарур тавсиялар берди.

Куни кеча Президентимиз Геология фанлари университети таъмир-қурилиш бўлини ташриф бурди. Замонавий таълим даргоҳининг янгидан барпо этилган бино ва иншоотларидаги қулайлик ва шарт-шароитлар билан танишди.

Геология фанлари университети соҳадаги илмий муассасаларни жамлаган яхлит мажмуа бўлади. Унинг таркибига тўртта илмий-тадқиқот институти кирган. Илгари улар тарқоқ жойлашган эди. Шунингдек, бу ердан Геология музейи ҳамда Геоинновацион марказ ҳам ўрин олади.

Университет 4,7 гектар майдонда жойлашган. Таълим, илм-фан ва амалиёт интеграциялашган ягона мажмуада геология кластери ташкил этиляпти. Лойиҳанинг умумий қиймати 575 миллиард сўм. Унда 10 та янги бино қурилиши ва 1 таси реконструкция қилиниши белгиланган.

▶ Давоми 2-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

ЎҚИТУВЧИЛИК ВА
ФИДОЙИЛИК
ТУШУНЧАЛАРИ
ДОИМ ҲАМОҲАНГ

Бугун жамиятимизда ўқитувчилар ва зиёлилар биз интилаётган Учинчи Ренессанснинг тўрт таянч устунидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан педагогларнинг нуфузини ошириш, хусусан, муаллим ва устозларнинг кадрлари, шаъни ва обрўсини тиклаш, машаққатли ва шарафли меҳнатини моддий-маънавий рағбатлантириш бўйича бошланган ишлар янги поғонага қўтарилмоқда.

Бундай янгиланиш жараёнида устоз-мураббийларнинг ишга, ҳаётга муносабати тубдан ўзгариб, янгиликка интилиб яшаётгани, илғор таълим технологиялари ва методикаларини пухта ўзлаштираётгани, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг шу йил 23 ноябрь куни Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабга, 11 декабрь куни эса меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига ташрифи ҳам таълим тизимига қаратилаётган катта эътибордан далолат.

Мирзо Улугбек туманидаги меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 1976 йили қурилган, 2008 йилда таъмирланган. Президентимиз мазкур таълим муас-

сасасини қўздан кечирар экан, мактабда барча шарт-шароит мавжудлиги, энг талабгир ўқув даргоҳлари қаторида экани ва бунда муассаса жамоасининг меҳнати самараси яққол кўриниб турганини алоҳида эътироф этди.

Дарҳақиқат, мактаб раҳбари ўзи бошқараётган масканга меҳр берса, унда фарзандини ўқитиш истагидаги ота-оналар ҳам кўпаяди. Меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби мисолида буни яққол кўриш мумкин. Шу боис, ҳар бир ҳудуддаги мактабга алоҳида эътибор қаратиб, синфхонасидан ошхонасигача ўқувчилар учун барча шароитни яратиш зарур.

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ҲАР БИР ОИЛАДА ТАБИАТ ХАЗИНАСИ

Ислоҳотлар юртдошларимизга барака, ризқ-насиба улашмоқда

2017-2021 йилларда халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар шукуҳининг
Қўшраббот тумани мисолидаги шарҳи

Кундан-кун, ойдан-ой, йилдан-йилга ҳаётимиз фаровонлашмоқда. Бу баландпарвоз, қуруқ гап эмас. Халқимиз ҳаётидаги яхшиланишлар, катта ислоҳотлар ҳақида гапирганимизда ҳаётдан оладиган мисолларимиз кўп.

ҲАРАКАТСИЗЛИК КИШАНЛАРИ
ЕЧИЛДИ,
МУДРОҚ ФИКРЛАР УЙҒОНДИ

Сир эмас, мустабид тузум даврида ҳамма нарсани давлат қилиб беради, давлат берса яшаймиз, деган боқимандалик кайфияти узоқ йиллар онгимизга сингиб кетди. Мустақиллик бизга катта имкониятлар берди. Лекин одамларни уйғотиш осон бўлмади. Шунга қарамай, халқимизнинг азалий тадбиркорлик, меҳнаткашлик феъли яна жўш урди. Қўлаб юртдошларимиз янгича ҳаёт бошлади: тадбиркорлик қилди, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланди. Пировардда бундай оилаларни тўқис ҳаёт қарши олди.



Кеча: Умумий манзара ҳамон эскича эди. Мустақил утган 25 йилда кўпчилик, айниқса, дашт одамлари томоркадан деярли фойдаланмади, бунга кунт

қилмади, ҳеч ким “нима қилияписиз ўзи, сизга қандай ёрдам керак”, деб сўрамади. Оқибатда, даромад манбаига эга бўлмаган одамлар фақат маҳаллага

чиқиб, бопасига нафақа, ёрдам пули сўраш билан банд бўлди...

▶ Давоми 3-бетда

ИЛМ-ФАН

ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИ

ёхуд юртимизда математика ривожига қаратилаётган эътибор ва эришилаётган натижалар

Математикага “фанлар шоҳи” деган таъриф берилади. Бу бежиз эмас. Замонавий илм-фан ва техника ютуқларини математика фани ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозир ахборот-коммуникация технологиялари, тиббиёт, биология, рақамли иқтисодиёт каби соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар бевосита мазкур фан доирасида олиб борилаётган илмий изланишлар маҳсулидир. Математика фанининг тамал тоши Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек сингари улўғ аждодларимиз томонидан қўйилгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Юртимизда математика илмий мактаблари ўтган асрнинг биринчи ярмида шакллана бошлаган. Илмий мактабларимизга асос солган олимларимиз Всеволод Романовский, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиiddинов ва бошқа академиклар Ўзбекистонда мазкур фан ривожига бекиёс ҳисса қўшди. Ана шундай етук олимларимиз томонидан асос солинган илмий мактаблар Президентимиз эътибори туфайли

бугун ҳам ўзининг салоҳиятини намоён этмоқда.

Мамлакатимиз математиклари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти ва унинг Бухоро, Самарқанд, Наманган, Нукус ва Урганч бўлимлари олимлари мазкур фанни жаҳон стандартлари асосида ривожлантиришга интилмоқда.

▶ Давоми 5-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистоннинг хориждаги
дипломатия ваколатхоналари
раҳбарлариТошкент вилояти ҳокимлиги ва тадбиркорлари
билан 2022 йилдаги ҳамкорликнинг амалий
йўналишларини келишиб олди

Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари шанба куни Тошкент вилоятида бўлди. Вилоят ҳокими ўринбосари Нажмиддинхўжа Шарипов билан ўтказилган учрашувда ҳудуддаги инвестиция

лойиҳаларининг ҳозирги ҳолати ва янги истиқболли лойиҳаларни хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда, амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

▶ Давоми 2-бетда



МУНОСАБАТ

МАМЛАКАТИМИЗДА ГЕОЛОГИЯ МАКТАБИНИ ТИКЛАШ

ҳамда соҳани янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам


эжани, янги Ўзбекистон қуришдек юксак марраларга эришишда саноатни ривожлантиришнинг ўрни катта эканига алоҳида тўхталди.



Лейла ШАРАФУТДИНОВА,
Геология фанлари университети
нефть ва газ конлари кафедраси
доценти

Бошланиши 1-бетда

Биринчи босқичда ҳар бири 7 қаватли бўлган ўқув ва ётоқхона бинолари, 2 та илмий институт бинолари, 3 қаватли кутубхона, 4 қаватли лаборатория, 5 қаватли Геология музейи бинолари қурилган. Иккинчи босқичда 7 қаватли лаборатория, 5 қаватли Давлат геология қўмитаси маъмурий биноси, 7 қаватли геология фонди, ўзбек геология қидирув биноси, спорт комплекси қурилади. Яна бир ўзига хослик — шу ернинг ўзиде талабалар турар жойи қад кўтарган. Замонавий турар жой 600 га яқин илм аҳлини ўз бағрига олади.




Давлатимиз раҳбари талабалар турар жойини кўздан кечирди. Шу ернинг ўзиде улар билан самимий мулоқот қилди. Амалиётга алоҳида урғу бериш, илмий-амалий, экспедиция ишларини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, талабалар билан мулоқотда иқтисодиётимизни барқарор ривожлантирмоқчи бўлсақ, геологиясиз буни амалга ошириб бўлмаслигини, мамлакатимизда мазкур соҳанинг келажаги порлоқ



учун, истиқболли ёш геологлар учун тарихий воқеа бўлди. Эътиборлиси, ушбу файзли масканда замонавий архитектура-қурилиш стандартларига мос энергетикамкор, тизимли ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилган. Кутубхона катта базага эга. Бу ердаги лабораторияга геологик қидирувлар учун жуда муҳим замонавий ускуналар олиб келинган. Соҳадаги муассасаларнинг бир жойда жам бўлиши мутахассисларнинг яқин ҳамкорликда ишлаши, талабаларнинг илмий лабораторияларда амалиёт ўташини таъминлайди.

Университетимизнинг барча ўқув режаси, фан дастурлари хорижий тажриба асосида яратилган ва таълим жараёнига жорий этил-



Биз яратиб берилган шундай имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда, ёшларга сифатли таълим бериб, геология мактабининг аввалги нуфузини тиклашга ҳиссамизни қўшамиз. Замонавий фикрлайдиган, дунё ёшлари билан рақобатга кириша оладиган, мамлакатимиз саноати ривожига муносиб ҳисса қўшадиган кадрларни етиштириш учун бор билим ва салоҳиятимизни тўлиқ ишга соламыз.



НУҚТАИ НАЗАР

ЎҚИТУВЧИЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

ТУШУНЧАЛАРИ ДОИМ ҲАМОҲАНГ



Бахтиёр САИДОВ,
Халқ таълими вазири

Бошланиши 1-бетда

Ташриф асносида давлатимиз раҳбари, жумладан, бундай деди: “Ҳамада жойда замонавий корхоналар очилапти, инвестиция лойиҳалари амалга ошириляпти. Уларни юртадиган салоҳиятли кадрлар керак бизга. Шунинг учун ҳам муаллим ва мактабларга, таълим сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берамиз. Салоҳиятли кадрлар рақобатни пайдо қилади. Қаердаки, рақобат бўлса, ўша жойда ривожланиш бўлади”.

Шунингдек, Президентимиз мактабдаги синфхоналар, спорт зали ва ошхонани кўздан кечириб, таълим маскани учун 900 ўринли янги бина қуриш, ёшларга хўнар ўргатиш, амалиёт

дарсларини корхоналарда ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси туфайли Халқ таълими вазирлиги томонидан нафақат ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши, балки уларни касб-хўнарга йўналиштириш, соҳалар бўйича тушунчасини шакллантириш мақсадида ийрик ишлаб чиқариш корхоналари, нуфузли ташкилотлар ва хўнаремдлик марказларига саёҳатлар ташкил этиляпти. Ўғил-қизлар янги касблар билан таништирилмоқда. Бу эса уларнинг келгусида ўз касбини яхши кўрадиган моҳир мутахассис бўлиб етишишида муҳим қадам.

Бир инсоннинг мустақил ва етук шахс сифатида камол топишида мактабнинг роли жуда катта. Айнан мактабда инсоннинг “мен”и шаклланади. Шунинг ўзи мазкур соҳада фаолият юритаётган ҳар бир инсоннинг олдида улкан масъулият, яъни бир шахс тақдир орқали миллат, давлат ва келажагимизнинг тақдирига жавобгарлик ётганини аңлатади.

Бунинг учун, аввало, педагогларнинг, ўқитувчилик касбининг макеини кўтаришимиз керак. Ўқитувчилик ва фидойилик тушунчалари доимо ҲАМОҲАНГ бўлган. Мактабда, халқ таълими тизимида ишлайдиган ҳар қандай инсон зиммасидаги масъулиятни ич-ичидан ҳис қилиши керак.

Бугунги заҳматли меҳнатимиз, албатта, келгусида ширин меvasини беради. Биз халқ таълими тизимидаги 7 миллион ўғил-қиз тақдир орқали бутун халқимиз, ватанимиз келажагига таъсир ўтказамиз. Бунинг жавобгарлигини соҳада фаолият юритаётган ҳар бир инсон ҳис қилиши лозим. Ҳар биримиз таълим ривожини учун нима қила олам, деган ўй билан яшасак, мақсадимизга эришамиз.

ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

БУ ЭРТАК ЭМАС,

ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТ

Бошланиши 1-бетда

МУНТАЗАМЛИК КАСБ ЭТАЁТГАН ПАРВОЗЛАР

Ўзоққа бормаёлик, бундан бир ярим йил олдин ҳам Сўҳа самолёт учадидейилса, кўпчилик учун эртақдай туюларди. Давлатимиз раҳбарининг юқоридеги қарори доирасида “Навобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янги аэропорт қурилиши бошланган, ишонсизлик ўрнини хайрли лойиҳанинг тезроқ поёнига етишини кўришга, самолётда учибга бўлган иштиёқ эгаллади. Қурилиш ҳам жадал тус олиб, умумий майдони етти гектар, узунлиги етти юз метрни ташкил этган учиб-қўниш йўлаги тез фурсатда қуриб битказилди.

Лойиҳа доирасида учиб майдончаси, кутиш зали, овқатланиш шохобчаси, савдо нуқтаси, дам олиш жойларидан иборат замонавий мажмуа қад ростлади.

Газетамизда шу йил октябрь ойининг охирида кўналга дастлабки синов парвозини қабул қилгани ҳақида хабарни берган эдик. Амалга оширилган парвоз ҳамда Сўҳ аэропортида яратилган техник шароитлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланган эди.

— Кеча “Нумо Air” авиакомпаниясининг Фарғона халқаро аэропортидан ҳавога кўтарилган Ан-2П йўловчи самолёти Сўҳ аэропортига келиб қўнди, — дейди Фарғона вилоят транспорт бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Бобурбек Икромов. — Парвоз давомийлиги 35 дақиқани ташкил этди.

— Янги авиарейсининг биринчи йўловчиларидан бўлганимдан фахрланаман, — дейди “Навобод” маҳалласида яшовчи Фаррух Бобурастов. — Шу кўнга қадар Фарғона шахрига бориш учун бир кун вақт сарфлашимизга тўғри келарди. Бундай қулайликларни яратиб бергани учун давлатимиз раҳбарига раҳмат. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижасини туманимиздаги ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида ҳис этмоқда.

“Истиқлол” маҳалласида яшовчи 87 ёшли Субҳиддин ота Шарофиддинов қайд этганидек, бу воқеа ҳудди эртақдек туюлади. Аслида эса бу эртақ ёки туш эмас, ҳаётий ҳақиқат.

Парвозлар ҳафтанинг душанба ва жума кунлари амалга оширилиши режалаштирилган. Йўловчилар авиачипталарни Фарғона, Андижон ва Наманган аэропортлари ҳамда Сўҳ тумани ҳокимлиги биносидан харид қилиши мумкин.

Кўҳна Сўҳда бўлган киши унинг зилол булоқлари, жушқин сойлари, кўкка талпинган арчалари, бетакор табиатидан, самимий ва тантис одамларининг дилкаш суҳбати, илму маърифатга бўлган меҳрдан унутилмас таассурот олади. Кейинги пайтда Сўҳ туманидаги ислохотлар шиддати тоғлиқлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Шу боис, бу масканга келиш, унинг табиати, турмуш тарзи билан яқиндан танишиш, одамлари билан дилдан суҳбатлашишни ният қилганлар жуда кўп. Транспорт инфратузилмаси ривожланиши, хусусан, авиақатновлар мунтазамлиги сайёҳликнинг йўлга қўйилишига ҳам кенг йўл очади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ

Сўхликларнинг Фарғона вилояти ҳудуди билан борди-келдисини яқин қилиш бора-сида бошқа йўналишларда ҳам ишлар олиб бориляпти. Бундан етти ой олдин Фарғона ва Қирғизистоннинг Боткен вилоятлари орасида “Риштон” (“Қайтпас”) ва “Тул” (“Этиқчи”) чегара постлари фаолияти тикланиб, Қирғизистон орқали ўтган Риштон — Сўҳ йўли тантанали равишда қайта очилган эди. Бу воқеа ҳам сўхликлар учун катта шодиёнага айланди. Чунки ана шундан буён улар вилоят марказига келиш учун 80 километр йўл босиб, беҳуда вақт сарфламайдиган, қисқа масофа орқали, ортқича оворагарчиликларсиз қўзланган манзилга етиб борадиган бўлишди.

Ўтган ҳафта охирида Ўзбекистон ва Қирғизистон транспорт вазирлари бошчилигидаги делегация аъзолари учрашуви бўлиб ўтди. Улар даставвал Қирғизистон ҳудудидан ўтган Риштон — Сўҳ йўналишидаги умумий узунлиги 29 километр автомобиль йўлининг 8 километр қисмида қўшни республика йўлсозлари томонидан бажарилган таъмирлаш ишлари билан танишишди.

Мамлакатимиз Транспорт вазирлиги ахборот хизматининг қайд этишича, Сўҳ тумани аҳолиси билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида ҳудуд оқсоқоллари давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан бу ерда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишлар натижасида Сўҳ бугунги кунда чинакам обод масканга айланиб бораётганини таъкидлашган.

Шундан сўнг Фарғона вилояти Риштон тумани ҳокимлигида ҳар икки мамлакат ўртасида транспорт соҳаси ва транзит йўлларини ривожлантириш масалалари юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Хусусан, томонлар Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши масаласида ўзаро фикр алмашишган. Ҳар икки томон вакиллари ушбу лойиҳа Ўзбекистон ва Қирғизистон манфаатларига тўлиқ мос келишини ҳамда минтақамизнинг транзит салоҳиятини юзага чиқаришини эътироф этишди. Шу боис, лойиҳа бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаркатларни давом эттиришга келишиб олинди.

Учрашувда Тошкент — Андижон — Ўш — Иркиштом — Қашғар халқаро мультимодал йўналишида юк ташувлари ҳажмини ошириш орқали ушбу транспорт йўлаги имкониятларидан унумли фойдаланиш, юк ташувчилар учун тенг имкониятлар яратиб юзасидан ҳам фикр алмашилган. Шунингдек, томонлар Фарғона — Учқўрғон — Даротқўрғон — Сариташ — Иркиштом йўналишида янги автомобиль йўлини қуриш лойиҳасини ҳам муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ўртасида транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш юзасидан ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни изчил давом эттиришга келишиб олишди.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбирлари



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва тадбиркорлари билан 2022 йилдаги ҳамкорликнинг амалий йўналишларини келишиб олди

Бошланиши 1-бетда

Дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари Тошкент вилоятини 2022 йилда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан танишди. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича вилоят туман ва шаҳарлари билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Хусусийлаштиришга мўлжалланган давлат активлари бўйича тақдимот ўтказилди.

Ангрен шаҳрида “G2B” шаклида дипломатия ваколатхоналари раҳбарларининг маҳаллий тадбиркорлар ва экспортчилар билан учрашуви ташкил этилди. Маҳаллий ишбилармонлар Афғонистон, Россия, Хитой, Озарбайжон, Қозғистон, Тожикистон ва Эрон бизнес доиралари вакиллари билан ҳамкорликни жалдлаштиришга катта қизиқиш билдирди.

Дипломатик миссия раҳбарлига “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ)нинг инвестицион салоҳияти тақдим қилинди. Уларга ЭИЗнинг имкониятлари ва фаолият йўналишлари, истиқболли соҳалар, лойиҳалар ва экспорт салоҳияти, яратилган шароитлар тўғрисида маълумот берилди.

Элчилар Тошкент вилоятида ўзларига бириктирилган ҳудудлар вакиллари билан учрашиб, туманларнинг иқтисодий салоҳияти, табиий ва меҳнат ресурслари, “усиш нуқталари” ва янги лойиҳаларини ўрганди.

Вилоят раҳбарияти ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида элчихо-



налар томонидан кўрсатилаётган ёрдам учун миннатдорлик билдирди. Хусусан, 2021 йил давомида вилоятдаги маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида элчихоналар томонидан умумий қиймати қарийб 100 минг долларни ташкил этувчи 35 донa компьютер техникаси, 40 донa тикув машинаси, 46 донa ногиронлар аравачаси, 4,2 минг донa шахсий ҳимоя воситалари ва कोरोनाвирус тестлари, 96 донa ўқув қуроллари етказиб берилди.

Дипломатик ваколатхоналар раҳбарларининг ташрифи яқунлари бўйича инвестиция

лоийҳаларини амалга ошириш, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш, маҳаллалар ва аҳолининг ночор қатламларига бегараз ёрдам кўрсатиш учун “Йўл харитаси”ни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кеча дипломатлар Нукусга келди. Улар ўзларига бириктирилган шаҳар ва туманларда бўлиб, ҳамкорлик бўйича аввал эришилган келишувларни амалга ошириш жараёнини муҳокама қилади ҳамда 2022 йил учун биргаликдаги ишлар режасини тузади.

“Дунё” АА

ҲАР БИР ОИЛАДА ТАБИАТ ХАЗИНАСИ

Ислохотлар юртдошларимизга барака, ризқ-насиба улашмоқда

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Қўшработ тумани Самарқанд вилояти марказидан 100 километр узоқда жойлашган. Умумий ер майдони 215 минг гектар. Туман марказидан 100 километр радиусда ҳам маҳаллалар бор. Туман 1943 йили ташкил топган ва ўтган даврда уч марта тугатилиб, яна қайта тикланган.

Яқин йилларгача бу туман ижтимоий-иқтисодий шароит нуқтаи назаридан қолоқ ҳудудлардан бири, деб эсга олинган. Бунга сабаблар бор эди: мустабид тузум пайтида туман асосан, чорва ва ғаллачиликка ихтисослашган. Ўтган 25 йил давомида чорва бош сони кескин камайиб кетган. Ғалла ҳосилдорлиги эса об-ҳаво инжиқлиги, яъни қуроқчилик, моддий-техника таъминоти етарли бўлмагани сабаб йилдан-йилга пасайиб борган. Фақат охириги 10 йил ичида туманда ғалла режаси икки марта бажарилган, холос. Қарангки, туманда богдорчилик, полиз ва сабзавотчилик учун катта имконият бўлгани ҳолда, фақат чорва ва ғаллачилик нуқтаи назаридан ёндашилгани натижасида аҳоли томорқалари ҳамда ҳўжалиқларда бор-йўғи 1700 гектар ток ва бог бўлган. Ўтган йилларда бу боғу тоқзорлар ҳам аянчли қўринишга кирди — қаровсизликдан қовжираб қолди.

Бугун: Кейинги йилларда жуда катта халқчил ислохотлар амалга оширилляпти. “Хонадон-бай”, “маҳаллабай” тизимида ишлар бошланди. Камбағалчиликни тугатишга жиддий киришилди. Уйма-уй юриб, томорқага нима экишгача, қандай парваришлагача тушунтириб бериляпти. Бу бир қарашда қулгили туюлиши мумкин. Лекин вазият шунақа, халқимиз яхши яшаши учун шундай йўл тутишгача боришга мажбур бўляпмиз.

Ҳиммат ОҚБУТАЕВ,
Қўшработ тумани ҳокими:
— Тўриси, тумандаги аҳвол шу даражада ачиқнари аҳволга келиб қолганида маҳаллий ҳокимият масъуллигини қўлга олиш керак. Майли, ўтган ишга салават. Қўшработнинг бугунги фаровон ҳаётини бевоситат Президентимиз ташаббуслари, жонқуяр фаолияти билан боғлайман. Бунинг учун тўла асослар бор. Давлатимиз раҳбарининг халқчил ташаббуслари билан 2017 йилдан барча туман ва қишлоқларда катта ислохотлар бошланди. Бу бизнинг туманда ҳам ўз самарасини бера бошлади.

Янги Ўзбекистон ислохотлари ҳақида беш йилдан буён баралла гапиряпмиз, бу ўзгаришларни дунё ҳамжамияти қўмоқда ва тан олмақда. **Бугун халқимиз янги Ўзбекистон фониди янги Қўшработ бўйи кўрсатқичини фахр билан тилга олмақда.**

БИРИНЧИ ИСЛОХОТ — ичимлик сув муаммоси ҳал бўлди.

Кеча: Тадбиркорлик деймиз, аҳоли бандлиги деймиз. Аҳоли ичимлик сув билан таъминланмаган, бу жуда катта муаммага айланган, одамлар сувни 10-15 километр узоқдан, булоқлардан ёки қўшни қишлоқлардан олиб келаётган бир шароитда қандай қилиб тадбиркорлик ҳақида, боғлар, узумзорлар ҳақида гапириш мумкин эди. Ёки етарли шароитлар, молиявий қўллаб-қувватлов бўлмаган даврда ҳаётимизни яхшилаш, иш ўринлари очиш ҳақида ўйлаш қанчалик мантиқий бўларди.

2017 йилгача Қўшработ тумани ичимлик сув билан 82 фойз таъминланган, деган ҳисоботлар берилган. Аслида бу кўрсаткич 18 фойзини ҳам ташкил этмаган.

Бугун: Ўтган уч йилда ана шу оғрикли муаммо ҳал этилди. Президентимиз 2018 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Қўшработ туманини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 36,5 миллион доллар маблағ ажратиб берди. Шундан сўнг ишлар бошланиб кетди.

Бугун дастур асосидаги барча ишлар аяқунлиши арафасида. Хусусан, 76 фойз, булоқ сувлари билан қўшиб ҳисоблаганда қарийб 95-96 фойз аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланди.

ИККИНЧИ ИСЛОХОТ — таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари тўқдан янгиланди.

Кеча: 2017 йилгача тумандаги мактабларнинг 43 та филиали бор, улларнинг шароити ва аҳоли эҳтиёжларини сўз билан ифодалаш қийин эди. 30-40 йил олдин ҳашар йўли билан қурилган, 1-4 синф ўқувчилари борадиган қолоқ мактаблар бўлган.



Бугун: Ўтган 3-4 йил ичида 35 дан зиёд мактаб реконструкция қилинди. Уларнинг шакл нуқтаи назаридан камчилиги қолмади. 90 фойз мактаб ичимлик сув билан таъминланди, 43 та мактаб филиали эса тўқдан қайта қурилди.

Кеча: Яқин йилларгача 3-6 ёшдаги фарзандларимизнинг атиги 9 фойзи боғчага борарди.

Бугун: Президентимиз 2017 йил 9 сентябрда имзолаган “Мактабгача таълим тизимини тўқдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан бу борада ҳам катта ютуқларни қўлга киритдик.

Бугун туманимизда давлат-хусусий шериклик асосида 10 га яқин боғча қуриб фойдаланишга топширилди. Яна 4 таси ишга тушиш арафасида. 150 дан зиёд оилавий боғча фаолияти йўлга қўйилди. Давлат боғчалари нафақат капитал таъмирланди, балки янгилари қурилди. Пировардида 70 фойздан зиёд ўғил-қизларимиз мактабгача таълим билан қамраб олинди.

Мактабгача таълимни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил қилиш, оилавий боғчалар очиш ташаббуси ҳам низоъда самарали бўлди. Бунинг учун барча шароитлар яратилди. Айтилик, оилавий боғчалар ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида, мазмун жиҳатдан олганда, бизда ҳали олий маъlumотли кадрлар етишмовчилиги кузатишмоқда. Аксарият тажрибали мутахассислар ўриндошлик асосида ишлайди. Шакл нуқтаи назаридан эса оилавий поликлиникалар, қишлоқ шифокорлик пунктлари, туман марказий шифохонаси тўқдан ўзгарди, моддий-техника базаси тўлиқ янгиланди, камчилиги қолмади.

УЧИНЧИ ИСЛОХОТ — қишлоқ ҳўжалиги.

Кеча: Қўшработнинг узуми ёки майиси деса, ҳамма ҳавас билан қараган, чет давлатларда ҳам машҳур бўлган. Чунки иқлимимиз, тупроқ шароити-ми, географик жойлашувими узум етиштиришга мос бўлгани учун бизда жуда ширин, сифатли ва бозорғир узум етиштирилган.

Афсуски, туман қишлоқ ҳўжалигига ўтган мустабид тузум, ундан кейинги даврда ҳам фақат чорва ва ғалла етиштириш нуқтаи назаридан қаралгани натижасида халқимизнинг турмуш шароити ночор аҳволга келиб қолган.

Бугун: Кейинги 5 йилда Президентимизнинг сазй-ҳаракати ва ташаббуслари, қатор фармон ва қарорлари, бегараз ёрдами билан бу манзара ҳам буткул ўзгарди. Тоқзорлар яратётган одамларга субсидиялар тақдим этиляпти. Бу бегараз маблағ туман аҳолиси учун жуда катта имконият яратиб берапти.

Одамларимиз тажрибасини инобатга олиб, тумандаги асосий драйверлардан бири сифатида узумчилик танланди. Бугунги кунга қадар 7 минг гектарда тоқзорлар барпо этдик. “Хар бир оила — тадбиркор” дастури асосида берилган кредитлар эвазига четдан замонавий артезиан қазий техникаларини олиб келдик. Улар ёрдамида 10 мингга яқин сув қудуғи қазилди. Бугун ана шу тоқларимиз ҳосил бера бошлади.

2022 йил баҳорида 3-4 минг гектар тоқзор яратиши мақсад қилдик. Бу Қўшработ учун, туман аҳли учун нима беради? 7 мингга деҳқон ҳўжалиги ташкил қилган бўлсак, бу 7 мингга одам иш билан таъминланди, дегани. Фермер ҳўжаликлари билан қўшиб ҳисоблаганда Қўшработда келаси йили 12 минг гектардан зиёд узумзор барпо этилади. Улар 2-3 йилда ҳосилга қиради, шу тариқа 2024-2025 йилга бориб туманда гектарига 15 тоннадан ҳисобласак, 180 минг тонна узум олиш, бу узумдан ўртача 40 минг тонна майиз етиштириши мумкин бўлади.

Бугун бозорда Қўшработ майизининг ўртача нархи 50-60 минг сўм атрофида бўлиб, ҳатто 120-180 минг сўмлик майизлар бор.

Асосий ҳаракатимиз олий сифатли, бозорғир майиз тайёрлашга қаратилган. Шу боис, асосан, қора қишмиш, оққўп, сўғдиёна каби сифатли майиз бўладиган навларни етиштиряпмиз. Бу майизларнинг хориж бозорларида ҳам баҳоси баянд, харидорғир қиёбланади.

Ҳисоб-китобимизга кўра, 2024-2025 йилга бориб, агар тоннасини ўртача 30 миллион сўмдан ҳисобласак, Қўшработда қарийб 1 триллион сўмга яқин майиз тайёрланади. Бунинг учун биз совет-кичлар, қуритадиган жойлар, қадқоқлаш цехлари қураямиз.

ТўРТИНЧИ ИСЛОХОТ — чорвачилик.
Кеча: Гарчи туман, асосан, чорвачиликка ихтисослашган бўлишга қарамай, ўтган даврда четдан на йирик, на майда шохли мол олиб келинган.

Бугун: Ўтган 3 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Россиядан 25 мингдан зиёд зотдор, иқлимга мос қўй-эчки олиб келдик. Шунинг 15 мингдан ортиғини мингдан зиёд оилага кредит асосида тарқатдик.

2019 йилда 10 та қўй олган одам бугун чорвадорга айланди. Чунки зотдор қўйларнинг 30 фойзи эгиз туяяпти. Халқимиз чорвачиликнинг ҳадисини олган, бунинг учун бизда кенг — 170 минг гектарга яқин яйлов бор. Энг муҳими, зотдор қўйлар қўлайди. Олдинги қўйларни 3 йил боқсангиз ҳам 20 кило атрофида гўшт қилган. Зотдор қўйлар 1 ёшга етмасдан 30-40 килогача гўшт берапти.

БЕШИНЧИ ИСЛОХОТ — Қўшработга тарихда илк бор инвестиция кириб келди.

Кеча: Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Қўшработ туманида бирорта ҳам қўшма қорхона фаолияти кузатилмаган, бир сўм ҳам чет эл инвестицияси қирмаган, экспорт бўлмаган.

Бугун: Кейинги 3-4 йил ичида туманимизда 22 та қўшма қорхона иш бошлади.

Президентимиз бундан 3 йил олдин Туркияга ташрифи чоғида эришилган келишувга кўра, туманимизга турк инвестори келди. Инвесторга 2,5 минг гектар ер бердик. У ҳозиргача 1,5 миллион доллар инвестиция киритди.

Тадбиркор 500 гектар ерга лаванда экмोकчи, қоплан ерни узумзор, pista ва бодомзор қилиш ниятида. Лаванда гулини қайта ишлайдиган завод ҳам қўрмоқчи. Лаванда гулидан дунёдаги энг сифатли ва машҳур парфюмерия маҳсулотлари тайёрланади. Тайёр маҳсулот Европа бозорларига экспорт қилинади. Бу ишлар кластер тизими асосида ташкил этиляпти.

ОЛТИНЧИ ИСЛОХОТ — “Яшил макон” — Қўшработга яна қўшлар қайтди.

Кеча: Яқин йилларгача Қўшработга мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари қўшни туманлардан кириб келган. Тўриси, аксарият аҳоли ана шу маҳсулотларни экишни ҳам, етиштиришни ҳам билмаган. Бошқача айтганда, осмонга қараб яшаган. Ҳатто, об-ҳаво серёғин келса, яйловда ўт зўр бўлади, чорва қўяяди, шундагина яхши яшаймиз, деган ҳаёт тарзи бўлган.

Бугун: Одамларимиз ердан даромад топишни ўрганди. Наманганнинг Олмос қишлоғидан 200 га яқин деҳқонни жалб қилдик. Улар халқимизга деҳқончилик сир-асорларини ўргатмоқда.

Натижада одамлар плёнка остида картошка, пиёз, қовун, тарвуз етиштири бошлади. Бугун халқимиз дастурхонидан ортган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қўшни туманларга, ҳатто пойтахтга ҳам сотаямиз.

Яна бир янгилек. Томорқаларда қўлпунай етиштириш тажрибасини йўлга қўйдик. Ўтган йили аҳоли хонадонларида жами 20 гектар ерга қўлпунай эдик. Ҳар бир оила 10 сотих жойдан 13-15 миллион сўм даромад олди. Эрта баҳорда бу ишни янада оммалаштирмоқчимиз.

Президентимиз “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига бағишлаб ўтказган йиғилишида Қўшработда қўшларнинг камайиб кетгани, атмосфера бузила бошлагани ҳақида танқидий фикрлар билдирган эди.

Ўйлаб кўрсак, ҳақиқатан шундай. Бу яшиллик чекинганидан далоят. Танқиддан сўнг тезда ишга киришдик. Вилот ҳокими ёрдами билан 100 минг туп олча кўчати олиб келиб, хонадонларга экишни бошладик.

Кеча: Бир вақтлар Қўшработдаги ҳар бир оилада олчазорлар бўлган. Ўтган даврда, билмадим, балки газ йўқлиги, қишга ўтин захираси етishмаслиги сабабми, бугун улар жуда камайиб кетган.

Бугун: Олча пишиғида бозорда 3-4 минг сўмдан сотилади. У жуда экспортбор мева, чунки шифобахш, шунинг учун бозори чақсон. Шу кунларда қуритилган олчанинг 1 килоси жаҳон бозорида ўртача 6-9 доллардан сотилаётганини биламиз.

Олчанинг ўзига яраша нафис гули, ўзгача қиройи ҳам бор. Агар қилган барча кулларни парвишласак, табиат яна ўзгаришга, қаерларгадир кетиб қолган қўшлар яна бизнинг боғларга қайтишга ишонамиз.

ҚўШРАБОТ ТАЖРИБАСИ:
хонаки парранда наслчилигини ривожлантириш

Кичик қалит катта уйни очар, деймиз. Бу ҳикмат бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизда мазмун касб этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Қўшработ туманида хонаки парранда наслчилигини ривожлантириш борасида қилинаётган ишларни қўриб, бунга ўзимиз ҳам ғувоҳ бўлдик.

Ҳиммат ОҚБУТАЕВ:
— Президентимиз шу йил апрель ойда Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Қўшработ тажрибаси сифатида аҳоли хонадонларида хонаки товуқлар боқишни ривожлантириш вазифасини қўйган эди. Ана шу топшириқ ижроси бўйича Давлат солиқ қўмитаси ва туман солиқ инспекцияси билан биргаликда иш бошладик.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: нима учун бу ташаббус илгари сурилди? Ававало, хонаки товуқ ҳам, унинг тухуми ҳам табиий маҳсулот. Қолаверса, товуқ боқиш халқимиз учун янгилек эмас, оғир меҳнат саналмайди. Чунки азал-азалдан ҳар бир оилада хонаки товуқлар боқилган, тухум етиштирилган.

Ҳозир бозорда хонаки тухум 2000-2500 минг сўмдан сотиляпти. Агар қимдир шифо учун товуқ шўрва қилинса келса, бозорга тушиб хонаки товуқ қидиради. Лекин, афсуски, ўтган даврда бундай товуқлар камайиб кетди.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Шу боис, хонаки товуқ қўлайтиришни бошладик. Бунинг учун инкубаторлар олиб келиб, оилаларга тарқатдик. Бугун улар мамнун. Чунки инкубаторга 500 та тухум қўйса, 21 кунда камида 400 та жўжа очади. 1-3 кунлик жўжани 2300-2500 сўмдан сотяпти. Агар уни, халқ тилида айтганда, темир қанот бўлганида (20-30 кунлик) сотса, 15 минг сўмдан кетади. Бунинг учун ортиқча вақт, харажат, билим талаб қилинмайди. Катталар ишдан бўш вақтида, болалар эса мактабдан келиб ҳам қарайвереди, меҳнатга ўрганади.

Худо хоҳласа, инкубаторда етиштирилаётган жўжаларнинг олди товуқ бўляпти, тухумга қиряпти. Агар биз шу тизимни самарали йўлга қўйиб олсак, қиш қилинса чиқиши билан туманда 2 миллионга яқин хонаки товуқ бўлади. Демак, биз эҳтиёжимиздан орттириб, қўшни вилоятларга, ҳатто чет давлатларга ҳам хонаки товуқ, жўжалар ва органик тухумлар етказиб беришни бошлаймиз.



Элшод БҮРИЕВ,
“Паррандачиликни ривожлантириш” лойиҳа офиси директори ўринбосари:

— Хонаки паррандачиликни ривожлантириш бўйича Қўшработ тажрибасини “Паррандачиликни ривожлантириш” лойиҳа офисини ташкил этишдан бошладик.

Биринчи босқичда 70 та инкубатор олиб келдик. Уларни хонаки товуқ етиштиришга иштиёқи бўлган, имконияти ва тажрибаси бор оилаларга бердик. Қарангки, хонаки товуқ етиштириш учун тухум топиш ҳам муаммо экан. Шунинг учун инкубатор билан бирга ҳар бир оилага 50 та товуқ ва 5 тадан ҳўроз бердик.

Аҳолида қўнимка ҳосил бўлгунча кредит расмийлаштирмадик. Одамлар инкубаторда жўжа етиштириш ҳадисини олиб, даромадга эга бўлгачагина инкубаторлар учун кредит расмийлаштириш бошланди.

Халқимизнинг қизиқиши ортиб бормоқда. Шунини инобатга олиб, бугунги кунгача 340 та инкубатор етказиб бердик. Вилот ҳокими ташаббуси билан “Темир дастар”да турган, оилавий шароити оғир бўлган оилаларга 24 та инкубатор субсидия сифатида берилди.

Инкубаторларга қандай тухум қўйиш кераклиги, то жўжа очиб чиқиб, ривожлангунга қадар мутахассисларимиз назоратида бўлади. Ўз вақтида эмланади.

Неъмат АБИЕВ,
оилавий тадбиркор:

— Қўшработда тажриба сифатида хонаки товуқлар етиштириш ишлари бошлангани ҳақида эшитиб қолдик. Оиламизда келинимиз ишсиз эди. Узини ўзи банд қилсин, бекорчиликда эрмак бўлар, деган мақсадда ҳокимликка бордим. Аҳолига инкубатор тарқатилаётган экан. Биз учун инкубаторда жўжа очтириш янгилек эди.

Тез орда семинарлар ўтказилди, бориб иштирок этдик. Мутахассислар ишни қандай бошлаш

кераклигини тушунтирди. Кейин инкубатор олиб келдим. 2020 йил июнь ойидан бошлаган бўлсак, 500-550 та жўжа етиштирдик. Шундан 150 таси товуқ бўлиш арафасида турибди. Қолганларини бозорда 5 минг сўмдан сотдик.

Хуллас, оилавий даромадга эга бўлдик. Яқинда яна битта инкубатор олиб келдик. Қиш тугаб, кунлар илий бошлаши билан товуқлар тухумга қиради. Ўзимизнинг инкубаторимизни тухум билан таъминлаймиз.

Шу кечаю кундузда 5-6 минг сўмдан гранула сотиб оляпмиз. Ёмни ҳам томорқада етиштира боладим. Томорқага кузги йилдаги бошлаган бўлсак, 500-550 та жўжа етиштирдик. Шундан 150 таси товуқ бўлиш арафасида турибди. Қолганларини бозорда 5 минг сўмдан сотдик.

Хуллас, оилавий даромадга эга бўлдик. Яқинда яна битта инкубатор олиб келдик. Қиш тугаб, кунлар илий бошлаши билан товуқлар тухумга қиради. Ўзимизнинг инкубаторимизни тухум билан таъминлаймиз.

Шу кечаю кундузда 5-6 минг сўмдан гранула сотиб оляпмиз. Ёмни ҳам томорқада етиштира боладим. Томорқага кузги йилдаги бошлаган бўлсак, 500-550 та жўжа етиштирдик. Шундан 150 таси товуқ бўлиш арафасида турибди. Қолганларини бозорда 5 минг сўмдан сотдик.

Хуллас, оилавий даромадга эга бўлдик. Яқинда яна битта инкубатор олиб келдик. Қиш тугаб, кунлар илий бошлаши билан товуқлар тухумга қиради. Ўзимизнинг инкубаторимизни тухум билан таъминлаймиз.

Шу кечаю кундузда 5-6 минг сўмдан гранула сотиб оляпмиз. Ёмни ҳам томорқада етиштира боладим. Томорқага кузги йилдаги бошлаган бўлсак, 500-550 та жўжа етиштирдик. Шундан 150 таси товуқ бўлиш арафасида турибди. Қолганларини бозорда 5 минг сўмдан сотдик.

Хуллас, оилавий даромадга эга бўлдик. Яқинда яна битта инкубатор олиб келдик. Қиш тугаб, кунлар илий бошлаши билан товуқлар тухумга қиради. Ўзимизнинг инкубаторимизни тухум билан таъминлаймиз.

Шу кечаю кундузда 5-6 минг сўмдан гранула сотиб оляпмиз. Ёмни ҳам томорқада етиштира боладим. Томорқага кузги йилдаги бошлаган бўлсак, 500-550 та жўжа етиштирдик. Шундан 150 таси товуқ бўлиш арафасида турибди. Қолганларини бозорда 5 минг сўмдан сотдик.

Хуллас, оилавий даромадга эга бўлдик. Яқинда яна битта инкубатор олиб келдик. Қиш тугаб, кунлар илий бошлаши билан товуқлар тухумга қиради. Ўзимизнинг инкубаторимизни тухум билан таъминлаймиз.

Шу кечаю кундузда 5-6 минг сўмдан гранула сотиб оляпмиз. Ёмни ҳам томорқада етиштира боладим. Томорқага кузги йилдаги бошлаган бўлсак, 500-550 та жўжа етиштирдик. Шундан 150 таси товуқ бўлиш арафасида турибди. Қолганларини бозорда 5 минг сўмдан сотдик.

Хуллас, оилавий даромадга эга бўлдик. Яқинда яна битта инкубатор олиб келдик. Қиш тугаб, кунлар илий бошлаши билан товуқлар тухумга қиради. Ўзимизнинг инкубаторимизни тухум билан таъминлаймиз.

Шу кечаю кундузда 5-6 минг сўмдан гранула сотиб оляпмиз. Ёмни ҳам томорқада етиштира боладим. Томорқага кузги йилдаги бошлаган бўлсак, 500-550 та жўжа етиштирдик. Шундан 150 таси товуқ бўлиш арафасида турибди. Қолганларини бозорда 5 минг сўмдан сотдик.

Хуллас, оилавий даромадга эга бўлдик. Яқинда яна битта инкубатор олиб келдик. Қиш тугаб, кунлар илий бошлаши билан товуқлар тухумга қиради. Ўзимизнинг инкубаторимизни тухум билан таъминлаймиз.

Шу кечаю кундузда 5-6 минг сўмдан гранула сотиб оляпмиз. Ёмни ҳам томорқада етиштира боладим. Томорқага кузги йилдаги бошлаган бўлсак, 500-550 та жўжа етиштирдик. Шундан 150 таси товуқ бўлиш арафасида турибди. Қолганларини бозорда 5 минг сўмдан сотдик.



ҚАРОР ВА ИЖРО

РАҚАМЛИ ЭКОТИЗИМ ВА ЭСКРОУ

Электрон тижоратни ривожлантиришда замонавий ёндашувлар



Инъомжон АБДУРАХМОНОВ,
Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг
Ахборот-таҳлил бош бошқармаси бошлиғи

Ҳозир онлайн тижорат ҳар қандай тармоқ вакиллари учун мижоз топишининг энг қулай ва осон усули ҳисобланади. Харидорлар ҳам интернет орқали савдо-ларни амалга ошириб, зарур хизматлардан фойдаланар экан, танлов имконияти охирида бориши баробарида, уларни кўчадан излашга кетадиган ортиқча вақти, транспорт харажатлари тежалди.

Мамлакат иқтисодиётида электрон тижоратни ривожлантиришнинг аҳамияти янада муҳим. Ҳозир дунёда бу тизим интенсив ўсиш босқичида ва бу жараён бизни ҳам четлаб ўтмайди.

Жорий йилнинг 20 август куни давлатимиз раҳбари юртимиз тадбиркорлари билан очик мулоқоти чоғида ҳам электрон тижорат платформаларини янада қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади. 2021 йилнинг 17 ноябрда эса Президентимизнинг “Электрон тижорат маъмуричилигини такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш учун қулай шартноплар яратиш тўғрисида”ги қарори кучга кирди.

Шу ўринда савол туғилади, ҳўш, электрон тижорат ўзи нима ва унинг иқтисодий самарадорлиги қандай?

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунида ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар курсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижорат, дейилади. Демак, у замонавий бизнесда мавжуд бўлган деярли барча жараёнларни яхлит ва интеграция қилиш орқали уларни замонага мос равишда ўзгариштириш учун шарт-шароит яратлади.

Ҳозирги кунда электрон тижорат субъектларидаги асосий масалалардан бири — бу яратилган сайтлар ва электрон платформаларни ташвиқот қилиш, уларга мижозларни жалб этиш, харидорларнинг доимий базасини шакллантиришдан иборат. Чўнки айни кунда электрон тижорат хизматларидан фойдаланувчилар унинг турли соҳаларида юқори сифатли хизматларни олиш учун ҳар хил сайтларда қўллаб-шарҳий ҳисоблар очилган ва улар орқали тўловларни амалга оширишга мажбур бўлмоқда.

Бу муаммоларнинг ечими сифатида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги қарор билан очик рақамли электрон тижорат экотизимини жорий этиш кўзда тутилган.

Рақамли экотизим бу — электрон тижорат субъектлари ҳамкорлик ва рақо-

бат тамойиллари асосида бир-бири билан ўзаро алоқада бўладиган платформадир. Бошқача қилиб айтганда, рақамли экотизимга интеграциялашган электрон платформалар ва рақамли хизматлар бир зумда потенциал мижозларнинг катта маълумотлар базасига кириш ҳуқуқини қўлга киритади. Мижозлар эса ягона шахсий кабинет орқали турли рақамли хизматлардан фойдаланишлари ва ягона шахсий ҳисоб-рақамдан тўловларни амалга оширишлари мумкин бўлади. Натижада платформалар ўртасидаги рақобат кучайиб, товарлар ва хизматларнинг нархлари арзонлашади ҳамда унинг юқори сифатли бўлиши таъминланади.

Бугун ривожланган давлатларда очик рақамли экотизимларни фаол қўллаш рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг сўнгги тенденцияси ҳисобланади. Бунга Хитойдаги Alibaba, Россия Федерациясидаги СБЕР ва Яндекс гуруҳлари, АҚШнинг Amazon экотизимлари ва уларнинг катта муваффақиятини мисол келтириш мумкин.

Масалан, Alibaba.com платформасини олайлик. Бу ерда буюртмаларнинг 73 фоизи мобил илова орқали амалга оширилади. Унга ҳар куни 1,6 миллион фойдаланувчи қиради. “Alibaba” бозори барча сотувларнинг 80 фоизини ташкил қилгани ҳолда, Хитой ишлаб чиқарувчилари ва Ғарб бизнеси ўртасида воситачи вазифасини ўтамоқда.

Умуман олганда, экотизим ҳар қандай электрон тижорат лойиҳасининг 5 та асосий — товарларни қандай, қаерда сотиш керак, дўконингизни қандай тарғиб қилиш, тўловларни қандай қабул қилиб, буюртмаларни қандай етказиб бериш зарур, деган саволларга жавоб беради. “Alibaba” гуруҳ мисолида оладиган бўлсак, мазкур вазифаларни электрон платформа мижозлар учун тўлиқ савдо

зи рақамли экотизим операторига айланади. У мулкчилик ва идоравий шаклдан, қайси тармоққа мансублиги ҳамда ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, хизматларни электрон платформалар орқали ҳеч қандай тўсиқларсиз курсатиш учун шароит яратди. Бундан ташқари, барча электрон платформаларнинг марказ ёрдамида харидорлар ҳақидаги маълумотлар умумий базасидан тенг фойдаланилиши таъминланади.

Яна бир қулайлик, 2024 йил 1 январга қадар рақамли экотизим билан интеграциялашган электрон тижорат платформаси операторлари учун даромад солиғи ва айланма маблағлардан олинадиган солиқ 50 фоизга камайтирилади.

МИЖОЗЛАР БИЛАН ИШОНЧЛИ ҲИСОБ-КИТОБ

Электрон тижоратни ривожлантиришдаги яна бир муаммо ҳисоб-китоб тизимининг такомиллашмагани ҳамда виждонсиз иштирокчиларнинг мавжудлигидир. Юқоридаги қарор билан ушбу муаммонинг ҳам самарали ечими таклиф қилинган. Яъни юртимизда ҳисоб-китоб ва тўловлар, шартнома мажбуриятлари бажарилиши қафолатларини таъминлаш мақсадида “эскроу” тизими жорий этилмоқда.

Эскроу — бу муайян ҳолатлар юзага келгунга ёки муайян мажбуриятлар бажарилгунга қадар мулк, ҳужжатлар ёхуд маблағлар ҳисобга олинадиган махсус шартли ҳисоб-рақамдир. Жаҳон амалиётида эскроу ҳисоб-рақамларини очик хизматлари банклар, юридик фирмалар ёки бошқа эскроу агентлари томонидан тақдим этилиши мумкин. Одатда, у иштирокчилар — сотувчи, харидор ва учинчи шахс (эскроу агенти) ўртасида тузилган уч томонлама шартномани бажариш учун қўлланилади. Учинчи шахс томонларнинг мажбуриятларини бажариш учун қафолатлар беради ва бу контрагент билан, агар у уч томонлама шартнома шартларини қабул қилишга рози бўлса, битим тузишга имкон беради.

Эскроу ҳисоблари кўчмас мулк, товарлар, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни, шунингдек, акцияларни сотиб олиш ёки сотишда ҳам қўлланилади. Юртимизда 2022 йил 1 июлдан рақамли экотизимнинг ишга тушиши билан эскроу функцияларини жорий этиш кўзда тутилган. Ушбу механизмларни амалга ошириш учун Рақамли экотизим таркибида Ҳисоб-китоб клиринг маркази ишга туширилади.

ЗАМОНАВИЙ ЭЛТИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ

Электрон тижоратни муваффақиятли ривожлантиришда товарларни етказиб бериш, мулоқот тилида айтганда, элтиб бериш хизматларини йўлга қўйиш ҳам зарур шартлардан бири ҳисобланади. Харидор онлайн дўкон орқали маҳсулот харид қилгани, табиийки, товарни эгасига етказиб бериш тадбиркор зиммасида. Бунда электрон платформаларга ҳар қандай юк ташувчилар ва курьерлик хизматларини жалб қиладиган марказлаштирилган логистика хизматлари қўл келади.

Бугун дунёда логистика тизимларини бирлаштириш амалга оширилмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, ривожланган товар логистика тизими Хитой товарларининг тақди бозорларга экспортини кенгайтиришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Муҳими, товарларни етказиб бериш тартиби ва юк ташуш тарифи доимо танлов асосида белгиланади.

Юртимизда 2022 йил 1 октябрдан электрон логистика тизимини жорий этиш ҳам назарда тутилган. Шунингдек, рақамли экотизимда марказлаштирилган электрон логистика тизимини яратиш режалаштирилмоқда. Бу, ҳатто мустақил логистика хизматини яратишга қўйиб бўлмаган кичик электрон платформалар ва электрон дўконларга ҳам товарларни етказиб беришни таъминлаш имконини беради.

Логистика тизимининг жорий этилиши экспорт қилинадиган товарларни ташуш нархларини ҳам пасайтиради. Гап шундаки, юк ташувчилар ортага қайтишда олдиндан буюртмалар олишлари ва шу орқали нархларни пасайтиришлари мумкин бўлади.

Юқоридаги қарор билан экотизимни шакллантириш, аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, аниқ муддатлар ва масъул ижрочиларни белгилаш бўйича чора-тадбирларни назарда тутуви “Йўл харитаси” ҳам тасдиқланади.

Унда белгиланган механизмлар, ҳусусан, жорий этиладиган замонавий электрон тизимларнинг ҳаётга татбиқ этилиши Янги Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётини ривожлантиришга сезиларли туртки беради.

ОГОҲЛИК

“Интернет орқали ютукли бир танловда иштирок этиш сўрови юборилди. Реклама жуда ишонарли ёзилгани, ҳаммага маълум ташкилотлар номидан бўлгани учун қизиқиб қолдим. Бирин-кетин шартларини бажара бошладим. Дўстларимга ҳам улашдим, чўнки танлов шарти шунақа эди. Охирида: “Сиз пул муқофоти ютиб олдингиз, табриклаймиз. Муқофотни банк картангизга ўтказиб берамиз”, деган мазмунда хабар юборишди.

Танлов мени тамоман гипноз қилиб қўйганди. Бирин-кетин карта маълумотларимни киритдим. Орадан бироз вақт ўтгач, маълумотлар қабул қилинди. Телефонингизга келган СМС кодни киритинг, деган ёзув чиқди. Ва... мен рақамни киритишим билан картамдаги пулим йўқ бўлиб қолди.

Реклама сайтини қараб чиқсам, на лицензияси, на манзили кўрсатилган. Телефон рақами бор экан, лекин туша олмадим. Рекламадаги ташкилотга қўнғироқ қилсам, биз ундай реклама бермаганимиз, илтимос, сохта маълумотларга алданиб қолманг, деди.

Мен аллақачон алданиб бўлган эдим. Мен каби яна қанча одам чўв тушган, билмайман...”

КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИК: ФИРИБГАРЛАРГА АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ



Акмал НАЗАРОВ,
Марказий банк
Жамоатчилик
билан алоқалар ва
коммуникацион сиёсат
департаменти директори

Кейинги пайтларда шунга ўхшаш сохта рекламалар, акцияларга ишониб, алданиб қолаётган, пластик картасидаги маблағини бой бериб қўяётган қўллаб-қувватлаш муносабатлар келиб тушмоқда. Айниқса, ўзини банк ходими ёки тўлов ташкилоти оператори деб таништириб, фуқаролардан турли ёлғонлар билан карта маълумотларини ва сўнг тасдиқлаш кодини сўраб қўнғироқ қилган бегона шахсларга алданиб қолаётганлар сони охири бормоқда.

Ижтимоий инжиниринг усуллари қўллаган ҳолда фуқароларнинг ишончига кириш орқали уларнинг пул маблағларини ўзлаштириш, алдов йўли билан банк карталаридан пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини қўлга киритиш, шахсга доир маълумотларни русхатсиз олиш ва тўлов эвасига тарқатиш каби молиявий фирибгарлик ҳолатлари, афсуски, борган сари кўпайиб бораётди.

Бу фақат бизда эмас, бутун дунёдаги муаммоли ҳолат. Масофавий банк хизматлари ривожланиши, илғор рақамли технологиялар ҳаётимизга кириб келиши турмушимизни енгилаштириш билан бирга мана шундай хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Халқаро тажриба ва ҳамкорлик

Ҳозир дунё микёсида кибержиноятчиликнинг кескин ўсиши, молиявий фирибгарлик, кибертаҳдидлар ва компьютер ҳужумлари ортиб бориши кузатилаётган. Бу эса, ўз навбатида, республикамизда барча соҳаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлиқни такомиллаштириш бугунги даврнинг долзарб масалаларидан бири эканини кўрсатади.

Марказий банк томонидан ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлиқни йўналишида қатор ишлар бажарилмоқда. Ҳусусан, Президентимизнинг тегишли қарори билан Марказий банк тўлов тизимлари операторлари, кредит ва тўлов ташкилотлари фаолиятида киберхавфсизлик таҳдидларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда қарши таъсирчан чоралар қўриш бўйича мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланган. Шунингдек, жорий йилда Марказий банкнинг Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш департаменти таркибда CERT-CBU киберхавфсизлик маркази ташкил этилди.

Мазкур марказ тўлов тизимлари операторлари кредит ва тўлов

ташкilotлари фаолиятида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизлик йўналишидаги нохуш ҳодисаларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга қарши таъсирчан чоралар қўриш бўйича ягона республика платформасини яратиш каби вазифаларни бажаради.

Марказий банк томонидан банк тизимининг барча бўғинларида ахборот ва киберхавфсизликнинг таъминланганлиги ҳолати мунтазам ўрганилиб, ушбу йўналишда хорижий тажрибалардан келиб чиқиб бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тавсиялар бериб боришмоқда.

Ҳусусан, Марказий банкда “Kaspersky” лабораторияси билан ҳамкорликда “Молия ташкилотлари раҳбарлари учун ахборот хавфсиз-

Келгусида Марказий банк томонидан хорижий давлатларнинг банк ва молия-кредит соҳасидаги ташкилотлари билан киберхавфсизлик бўйича нохуш ҳодисалар ҳамда таҳдидлар борасида тажриба алмашиш, масъул ходимларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилган.

Энг ишончли ҲИМОЯ

Маблағларимиз фирибгарлар қўлга тушиб қўлишининг олдини олувчи энг ишончли ҲИМОЯ — бу ўзимиз, яъни огоҳлигимиз ва саводхонлик даражамизнинг юқори бўлишидир.

Масофавий банк хизматлари ва тўлов ташкилотларининг электрон пул ўтказмаларидан фойдаланувчиларга уюштирилаётган кибертаҳдид-



лиги” мавзусидаги семинар-тренинг ўтказилди. Тренингда иштирок этган тижорат банклари раҳбар ходимларига ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлиқни таъминлаш масалалари, уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти юзасидан маълумотлар берилди.

Шу билан бирга, банк карталаридан мобил иловалар орқали электрон тўловларни амалга оширишда турли фирибгарликларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банкнинг расмий веб-сайти (www.cbu.uz), Молиявий саводхонлик бўйича ахборот-таълим веб-сайти (www.finlit.uz) ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали фуқароларга фирибгарликлар тўғрисида маълумотлар берилиб, уларнинг олдини олиш бўйича керакли тавсиялар эълон қилиб боришмоқда. Бундан ташқари, кузатилаётган молиявий фирибгарликлардан фуқароларни ОАВ орқали оғохлантириш, уларнинг молиявий саводхонлигини янада ошириш мақсадида видеолавҳалар, оғохликка қақирувчи маълумот ва тавсиялар тақдим этилмоқда.

Кибертаҳдидларга қарши тезкор таъсирчан чоралар қўриш бўйича Марказий банк ва республикамизнинг киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳаси ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур йўналишда тегишли ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган. Шунингдек, халқаро тўлов тизимлари фаолиятига ихтисослашган ташкилотлар ўртасида киберхавфсизлик йўналишида ҳамкорлик қилиш мақсадида VISA халқаро хизмат кўрсатиш уюшмаси билан ўзаро аниқлаш меморандуми тасдиқланган. “Mastercard Европа” (“Mastercard”) компанияси билан ҳам ҳамкорлик юзасидан ўзаро аниқлаш меморандуми лойиҳаси тайёрланиб, тасдиқлаш бўйича тегишли ишлар амалга ошириляпти.

лар, виртуал фирибгарликларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банк барча фуқароларни қўйидаги ҳолатлардан огоҳ бўлишга чорлайди: — ҳар қандай ҳолатда ҳам СМС хабар орқали келган бир марталик тасдиқловчи кодни ҳеч қандай ошқор қилманг;

— бегона шахсларга банк карталари ёки банкнинг мобил иловасидаги аккаунтингиз тўғрисидаги маълумотларни берманг;

— таклиф этилаётган товар ва хизматларнинг расман сертифициланган ёки лицензияга эга эканини текширинг.

Ёдда тутиш керакики, банк картасига пул ўтказиш учун унинг 16 хонали рақамини билиш етарли. Унутманг, банк ходимлари пластик картангизнинг амал қилиш муддати ёки СМС хабар орқали келган тасдиқловчи кодларни сўрамайди.

Турли акциялар, ютукли лотерея совринлари, брокерлик хизматлари, валюта биржаларида қатнашиб, юқори даромад олиш, чет давлатларда онлайн ўқиш ва юқори даромадли ишларга тез ва осон жойлаштириш, олдиндан сармоя киритиш, қисқа муддатда бойиб кетиш, онлайн савдо платформалари орқали товарларни арзон нархларда етказиб бериш каби арзимас хизмат ҳақи эвасига юқори даромад олишга ундовчи ёлғон таклифларга ишониб қолманг. Бунда фирибгарлар сохта шартнома ва ҳужжатларни тақдим этиб, фуқароларни ишонтиришга ҳаракат қилади.

Шубҳали бўлган веб саҳифаларга банк картаси тўғрисидаги маълумотларингиз ва СМС хабар орқали келган тасдиқловчи кодларни киритманг.

Сизга таклиф этилган веб саҳифани ҳақиқийлигига шубҳа қилсангиз, тегишли ташкилотнинг интернет тармоғидаги расмий сайти ёки веб саҳифасининг манзили билан солиштириб кўринг.

РАҚАМЛИ ЭКОТИЗИМДА ЭСКРОУ МЕХАНИЗМИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ



*Агар харидор товарнинг пулини тўламаган бўлса, унинг омонати компенсация сифатида сўтувчига ўтказилади ва шартнома беқор қилинади.
**Агар сўтувчи товарни етказиб бермаса, унинг омонати компенсация сифатида харидорга ўтказилади ва шартнома беқор қилинади.



Сўнгги беш йилдаги салмоқли натижалар

Президентимизнинг илм-фан, хусусан, математика ривожига қаратаётган эътибори натижасида Математика институти томонидан сўнгги беш йилда илм-фан соҳаси ва инновацион фаолиятда салмоқли натижаларга эришилди. Биринчидан, статистик физика ва квант майдон назарияси кузатиувчилари фазосини тавсифлаш учун янги алгебраик ёндашув ишлаб

лаштириш, физик ва биологик тизимлар термодинамикаси, ғовакли жисмларда иссиқлик ва намлик ўтиш муаммоси ва бошқалар шулар жумласидандир. Институтда математика фанини иқтисодиётнинг турли соҳаларига татбиқ этиш борасида ҳам амалий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, институтда яратилган математик дастур ёрдамида Ўзбекистонда биринчи марта 82-88 фоиз статин терапиясига риоя қилиш аниқланди, бу эса шифокорга дастлабки муружаатдан кейин 12 ой ичида ўлимни 1,6 баробар, шифохонага ётқизишни эса 1,8 баробар қисқартира-

ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИ

ёҳуд юртимизда математика ривожига қаратилаётган эътибор ва эришилаётган натижалар



Ўткир РОЗИҚОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Математика институти директори
ўринбосари, физика-математика
фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Математика институти ўз фаолияти давомида математика фанини ривожлантиришга, республика учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга сезиларли ҳисса қўшди ва математик тадқиқотларнинг жаҳон даражасида эътироф этилган марказларидан бирига айланди. Институтда функционал анализ, дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра бўйича илмий мактаблар шаклланди ва муваффақиятли ривожланмоқда.

Математикани билиш барча соҳа вакиллари учун муҳим

Машхур файласуф Иммануил Кант айтганидек, “Ҳар бир илмда қанча кўп математика бўлса, шунча кўп ҳақиқат бор”. Шу гапни ҳар бир юрдошимизга қарата бундай талқин қилмоқчимиз: турмушингизда ҳар бир қадамингиз математикага қанчалик асосланган бўлса, шунчалик муваффақият қозонасиз! Инсоният шиддат билан ўзгараётган бу замонда ўз келажагини математикага асосланиб қуриши зарур.

Дейлик, олдингизга бирор мақсад қўйгансиз. Унга эришиш учун дастлабки муҳим қадам — вақтни тенг тақсимлаш. Чунки вақтдан унумли фойдаланган инсоннинг иши ҳам унумли бўлади, муваффақиятга эришади. Ҳаётда ҳамма нарса, вақт ҳам ҳисоб-китобли. Шу боис, “вақтинг кетди, нақднинг кетди”, деб бекор айтишмайди. Математика мантиқ илми билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Математикани яхши биладиган инсон мантиқан яхши фикрлайди, барча нарсани чуқур идрок эта олади, қарор қабул қилишдан олдин “етти ўлчаб, бир кесади”. Бу эса, касбидан қатъи назар, барча инсон учун жуда муҳим жиҳат. Математика барчада ана шундай сифатлар шаклланишига туртки беради.

Математика таълими ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий бойлиги ва ривожланиш даражасига қараб турчила. Лекин умумий принциплар мавжуд: ҳар бир давлатда, ёшларнинг келажақда қайси касбни танлашидан қатъи назар, мактабда элементар математиканинг барча асосий мавзуларини ўргатиш зарур. Чунки баъзи касб эгаларининг (масалан, актёрлар, ҳайдовчилар, маъмурилар, тарихчилар, тил ўқитувчилари ва бошқалар) пулни санаш каби оддий арифметикани ҳисобга олмаганда чуқур математик билимга эга бў-

лиши талаб этилмайди. Шу ўринда табиий савол туғилади: келажақда юқорида айтилган касблардан бирини танлайдиган ўқувчи кейинчалик фаолияти давомида қандай қилиб математикадан тез-тез фойдаланади? Нима учун бундай ўқувчилар ҳам математиканинг абстракт назариясини ўрганиши керак? Бу ўқувчиларнинг вақти ва давлат ресурсларини бекорга совириш эмасми?

Мазкур саволларга қатъий тарзда бундай жавоб берилади: йўқ, бу ҳеч қандай йўқотиш эмас. Чунки ўқувчилар ўшлгида касб танлашда доим иккиланади. Ҳар бир ўқувчи камида бир марта касб танлаш орзусини алмаштиради. Агар ўқувчи олдин ҳайдовчи (ёки актёр) бўлишни орзу қилиб, кейин мактабни битиришига оз қолганида муҳандис (ёки компьютер дастурчиси) бўлишни орзу қила бошласа-чи? Унда бу ўқувчининг математикани чуқурроқ ўрганишга вақти қоладими? Баъзи ўқувчилар эса, мактабни битиргунча қандай касб эгаси бўлишни билмайди. Бундай ўқувчиларни ёшлигидан бирорта касбни танлашга мажбурлаш ноўрин. Касбга қизиқиш анча кеч пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли ўқувчиларга мактабда ҳар бир фан, хусусан, математика асосларини яхши ўргатиш шарт. Шунда ўқувчи ўз қизиқиши ва қобилияти қайси касбга мос эканини таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, касбидан қатъи назар, математика барчага ҳаёт давомида жуда керак бўлади.

Бугун компьютер дастурчиси бўлишга қизиқиш кучаймоқда. Буни ҳозир барча соҳалар автоматлашган бошқарувга ўтаётгани ҳамда бу касб эгалари яхши даромадли иш топиши нисбатан осонлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, соҳа жадал ривожланмоқда, бизнес ривожини учун кенг қўлланмоқда. Дастурлашнинг негизини эса, математика ташкил қилишини унутмаслик керак. Дастур математик алгоритмдир! Шундай экан, математик билимларни пухта эгалламай туриб, дастурлаш соҳасида етук мутахассис бўлиш мумкин эмас.

“МАШХУР ФАЙЛАСУФ ИММАНУИЛ КАНТ АЙТГАНИДЕК, “ҲАР БИР ИЛМДА ҚАНЧА КЎП МАТЕМАТИКА БЎЛСА, ШУНЧА КЎП ҲАҚИҚАТ БОР”. ШУ ГАПНИ ҲАР БИР ЮРДОШИМИЗГА ҚАРАТА БУНДАЙ ТАЛҚИН ҚИЛМОҚЧИМИЗ: ТУРМУШИНГИЗДА ҲАР БИР ҚАДАМИНГИЗ МАТЕМАТИКАГА ҚАНЧАЛИК АСОСЛАНГАН БЎЛСА, ШУНЧАЛИК МУВАФФАҚΙΑТ ҚОЗОНАСИЗ! ИНСОНИЯТ ШИДДАТ БИЛАН ЎЗГАРАЁТГАН БУ ЗАМОНДА ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ МАТЕМАТИКАГА АСОСЛАНИБ ҚУРИШИ ЗАРУР.

Соҳани ислоҳ этиш йўлида

2019 йил 9 июлда Президентимизнинг “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор бизга узлуқсиз таълим тизимида математика фани ва таълимини ривожлантириш, халқаро стандартларга мослаштириш учун мавжуд муаммоларни бартараф этиш тизимини яратиб берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йилдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ҳар бир туманда математика фанига ихтисослашган мактабларни босқичма-босқич ташкил этиш тизими жорий этилди.

Тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда математика фани бўйича узлуқсиз таълим дастурлари мажмуаси яратилди. Кейинги масала дарсликлар билан боғлиқ эди. Чунки дарсликлардаги ёндашувни, методикани ўзгартириш талаб этиларди. Президентимиз бу муаммонинг ечимини ҳам тизимли ҳал қилиш имкониятини яратиб берди. Яъни давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 7 майдаги қарори билан 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат таълим муассасаларида қўлланиладиган математика фани бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда мажбурий тартибда инсти-



тутнинг эксперт хулосаси олинadиган бўлди. Бунинг учун 2020 йилнинг 1 июнидан институт таркибида 5 та штат бirlигидан ibорат Математика таълими бўйича ўқув-услбий материалларни мувофиқлаштириш лабораторияси очилди ва институт директорининг ёш математиклар ва ёш олимлар масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

чиқилди. Статистик механика ва биологиядаги нозичиқли динамик тизимлар назарияси ривожлантирилди.

Иккинчидан, каср тартибли дифференциаллаш операторли параболо-гиперболик тенгламалар учун чегаравий масалалар тадқиқ қилинди. Динамик тизимларга оид илмий-тадқиқот ишларини автоматлаштиришга мўлжалланган компьютер дастури тўплами яратилди.

Иммиграцияли тармоқланувчи жараёнларнинг асимптотик хоссалари ва бундай жараёнларда қатнашувчи заррачалар умумий сони учун лимит тақсимотлар ўрганилди.

Учинчидан, компьютер томографияси тасвирларини қайта тиклаш учун янги оптимал алгоритмлар ишлаб чиқилди. Иссиқлик электростанцияларидаги айланувчи регенератив ҳаво қиздиргичлардаги иссиқлик алмашиш жараёнининг янги математик модели яратилди.

Дори-дармон яратишда “структура-активлик” моделини қуриш вақтида танланма тўпламининг модель қобилиятини баҳолашнинг янги методи тадқиқ қилинди. Коронавирус беморлари учун хавфни баҳолаш дастури ишлаб чиқилди.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, Математика институти дунёнинг етакчи таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатган. Хусусан, Бонн, Кембриж, Париж, Сеул, Сантьяго де Компастела университетлари ва бошқа илмий марказлар олимлари билан биргаликда қўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Яқинда Математика институти ташаббуси билан АҚШнинг Калифорния штати университети, Бирлашган Араб Амириклар университети, Малайзиянинг MARA технологиялар университети, Австралиянинг Малайзиядаги Монош университети, Малайзиянинг Путра университетиде фаолият юритаётган юрдошларимиз билан ҳамкорликда етакчи профессор-ўқитувчиларнинг онлайн маҳорат дарслари ўтказилди. Бундай тажриба алмашишлар дунё давлатларининг математика фанида эришадиган ютуқларини ўрганиш, уларни мамлакатимиз илм-фанига кенг жорий этишда муҳим аҳамиятга эга.

Математика институти олимлари мазкур фаннинг замонавий муаммолари билан шуғулланмоқда. Бизнинг асосий натижаларимиз назарий аҳамиятга эга бўлиб, жаҳоннинг нуфузли журналларида илмий мақолалар чоп этиш орқали Ўзбекистон математикасини жаҳонга таништишга хизмат қилади. Институт олимлари математиканинг амалий масалалари билан ҳам шуғулланаётир. Жумладан, нефть қатламларини қайта ишлаш, атом физикасида модел-

лаштириш, физик ва биологик тизимлар термодинамикаси, ғовакли жисмларда иссиқлик ва намлик ўтиш муаммоси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иссиқлик алмашиш жараёнларини оптимал бошқариш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари иссиқлик электростанцияларининг асосий қурилмаларидан бири — айланувчи регенератив ҳаво қиздиргичдаги иссиқлик алмашиш жараёнини бошқаришга татбиқ этилди. Олинган натижалар иссиқлик электростанцияларида ёқилгани тежаш, қурилмаларнинг фойдала иш коэффицентини сезиларли даражада ошириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиш ҳамда атмосфераининг ифлосланишини камайтириш имконини яратди.

Ўзбек математиклари халқаро миқёсда эътироф этилмоқда

Бугунги кунда ҳам устоз академикларимиз ва математикларнинг фидойилиги натижасида ўзбекистонлик математикларнинг илмий мактаблари ўз мавқеини халқаро даражада сақлаб келмоқда. Бу мактабларда эса, жаҳон миқёсда рақобатбардод, замонавий математик муаммоларни ечишга етарли даражада ҳисса қўшадиган математик олимлар етишиб чиқарти.

Ҳозир замонавий математикани ривожлантираётган, жаҳонда тан олинаётган ўзбек математиклари кўп. Масалан, улардан 4 нафари Жаҳон фанлар академияси академиги ва 4 нафари TWASнинг ёш олимлар бўлими аъзоси. Олимларимиз чет эллик ҳамкасблари томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, нуфузли хорижий журналлардан ўзбек олимлари илмий ишларига берилган тақризлардан бирида: “муаллифлардан бири жуда таниқли эксперт...” ва бошқа бир тақризда “...бу йўналишда ўзбек мактаби муҳим роль ўйнайди...”, деб эътироф этилган. Шунингдек, математикларимиз “Springer Nature Top Author” ва “Scopus Award” танловида “Top researcher in Natural sciences” (Табиий фанлар бўйича йил тадқиқотчиси), деб эътироф этилган. Олимларимиз COMSTECHнинг “Энг яхши илмий мақола” халқаро мукофотини ҳам қўлга киритишган.

Бундай ютуқлар, шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг илм-фанга қаратаётган эътибори, ғамхўрлиги махсулидир. Масалан, бугунги кунда математик олимларнинг маоши уч-тўрт баробар оширилди. Олий таълим ва илмий тадқиқотларнинг ўзаро интеграциялашувини таъминлаш мақсадида Талабалар шаҳарчасида Математика институтининг янги ва замонавий биноси барпо этилди. Соҳа ривожини учун барча шарт-шароит яратилди. Биздан ана шундай эътиборга муносиб бўлиб, илмий изланишлар даражасини ошириш талаб этилмоқда, холос.

Шиддат билан ўзгараётган дунёда математика фани эришган ютуқлар билан чегараланиб қола олмаслиги кундай равшан. Айниқса, Ўзбекистон учун математикани янада ривожлантириш эҳтиёжи жуда юқори. Чунки ҳар бир соҳа ривожининг асосида, албатта, математика бор. Шу боис, мамлакатимизда дунё стандартларига жавоб бера оладиган математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар фаолият кўрсата бошлади. Хусусан, Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби халқаро математика мактаби сифатида қайта ташкил этилди. Бу каби ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этиш орқали математика фанини таълимнинг куйи тизимларидан бошлаб ривожлантириш, шу орқали етук мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. Ўйламанки, соҳа ривожига қаратилган бу каби саяҳатлар математика фани ва иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ИНСОНПАРВАРЛИК

КЕЧИРИМЛИК — ЭЗГУ ҚАДРИЯТ

Инсон ҳаётда хато қилади. Қилмиши қандай оқибатларга олиб келишини аңглаб етганда эса кеч бўлади. Шундай бўлса-да, адашган инсонларга яна бир имконият бериш, инсонпарварлик нуқтаи назаридан олганда, одилона қарордир. Зеро, кечиримлилик, йиқилганни суяш, чорасизга кўмак бериш халқимизнинг энг эзгу қадриятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг “Озодликдан махрум

фармони эълон қилинишини ана шу қадриятларнинг яна бир ёрқин намунаси, дейиш мумкин.

Ушбу ҳужжат асосида 182 нафар шахс афв этилди. Жумладан, Кўнирот туманидаги 27-манзил коллонияда жазо муддатини ўтаётган 7 киши ҳам ўз оиласи бағрига қайтди.

— Энг аввало, Президентимизга раҳмат! Бизга ишонч билдириб, афв этди. Қилган қилмишларим учун 15 йилга озодликдан махрум бўлиб, умримнинг энг гуллаган 9 йили

темир панжара ортида ўтди, — дейди Ҳамидбек Раззоқов. — Одам ҳаётда хато қилиб, қоқилмасин экан. Биргина ўйламай ташлаган қадамин туйфали нафақат оилам, балки маҳалла-қўй олдиде бошимни эгиб, фарзандларим, яқинларим юзини шувут қилиб қўйдим. Панжара ортида ўтган йилларда буни тушуниб етдим. Гарчи кеч бўлса-да, қилмишимдан пушаймонман. Давлатимиз раҳбари бизни кечириб, яна бир имконият берди. Энди фарзандларим тарбияси билан шуғулланиб,

ота-онамнинг дуосини оламан, уларнинг хизматини қиламан. Ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган давлатимизда инсон қадри ҳамма нарсадан устун. Пушаймон бўлиб, қатъий тўзалиш йўлига ўтган фуқароларимизнинг афв этилиши халқимизнинг инсонпарварлик ва баргикенглик фазилатларининг яна бир амалдаги намоёни бўлди, дейиш мумкин. Афв этилганлар қаторида Умид Халменов ҳам бор.

— 2015 йилда содир этган жиноятим учун 8 йилу 1 ой муддатга озодликдан махрум қилингандим. Панжара ортида ўтган йиллар ҳаётимнинг энг оғир даври бўлди, — дейди у.

— Бундан кўп сабоқ чиқардим, ўзим учун хулосалар қилдим. Президентимизнинг, давлатимизнинг ишончини оқлаб, эл қорига ярайдиган инсон бўламан.

Таъкидлаш лозимки, афв қилинган ҳамюртларимизнинг фойдала меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак беришга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда давом эттирилади.



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги

Навоий дахоси ҳақида ўйлаганда, унинг борлик ичра тенгсиз маъво касб этган ижод олами, улугвор тафаккури, илм ва адабиёт ривожига оламшумул хизматлари кўз олдимизда намоён бўлади. Алишер Навоийнинг буюклигини белгилловчи асосларни санаганимиз сари унинг қутлуг номига бўлган ихлос ва муҳаббатимиз, чексиз ҳурматимиз янада ортаверади.

ЭРУРСАН ШОҲ, АГАР ОГОҲСЕН СЕН



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор

Алишер Навоийнинг давлат арбоби, темурлар саройининг нуфузли вакили сифатида билдирган ижтимоий-фалсафий фикрлари улуг мутафаккир ижодининг алоҳида қиррасини ташкил этади. Навоий асарларини ўрганиш асосида миллий давлатчилигимиз маърифати концепцияси ўз ифодасини топанга гувоҳ бўлмиз. Ушбу концепция исломий манбаларда ифодаланган адолат ғоялари, улуг файласуф ва алломалар қарашларини, айниқса, тасаввуфий фикр-мулоҳазаларни бирдай қамраб олгани билан қимматлидир.

Навоий узоқ йиллар Ҳусайн Бойқаро салтанатида юқори лавозимларда ишлаб, ўзи ҳам сиёсат ва раёсатда, бошқарув ишларида етарлиқа тажриба орттирган, кўп ҳолларда зулм ва бедоқилларнинг олдини олишга муяссар бўлган. Навоийнинг доно насихатлари, амалий тадбирлари туфайли Ҳусайн Бойқаро подшолигида барқарорлик ҳукм суриб, илм-фан, маданият ва адабиёт ривожланди, барча соҳаларда сезиларли ўсиш даври бўлди. Бу ҳаётий тажриба мутафаккир бобомизнинг давлат арбоби сифатидаги қарашларида акс этган.

Алишер Навоий нафақат улуг адабий асарлари, балки ўзининг давлат бошқарувидаги фаолияти орқали халқнинг маънавияти, тинч ва фаровон ҳаёти, давр барқарорлиги ва ободлиги учун курашди. У дўсти Ҳусайн Бойқарога насихат қилиш ва уни адолатли йўлга қорлаш борабариди, шахзодалар давлатчилиги асосларини, Амир Темур ўнгитлари ва аъёнчаларини ўргатиш, уларга маънавий-маърифий устоз бўлиш вазифасини ҳам масъулият билан адо этган. Ҳатто Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғлилари орасида тахт ва мамлакат талашши ортидан тушган совуқчилик, зиддият юзага келган даврда ҳам юрт бирлиги учун жон куйдиради. Адашган ўғилларни ота изидан чиқмасликка даъват этади. Навоийнинг донолиги билан тутган йўллари сабаб мамлакатдаги қўлпаб мурасишчиликка барҳам берилади.

Алишер Навоий “Муншаот”даги 57-мақтубда бундай ёзади: “Арқони давлатқа ҳар ишқим буюрулур, агар бутмаги бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун. Андоқ муқаррар бўлсаким бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб жавоб олсалар. Кечрак бутур ишни тонгла (эртаси) ё индин ё мюддатин (муддатидан) ўтқармасалар...”

Яъни ҳар бир амру фармон белгиланган муддатда бажарилиши лозим. Бугунги ишни эртга қолдириш мумкин эмас. Навоий ўзининг давлатчилиги қарашларини баён этар экан, икки жиҳатга эътибор беради: бири — шоҳ амру фармонларини маҳаллий амирлар, ҳокимларга етказиш, иккинчиси — қуйидан келадиган хат-хабарларни шоҳга етказиш. Ҳар икки томон ишида ҳам пайсалга солиш бўлмасин, дейди шоир. Бундан кўринадики, Навоий ўз кузатишлари, амалий фаолиятида давлат бошқарувининг бу жиҳатлари ҳам чуқур аҳамият берган.

Навоийнинг асрлар ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмай, аксинча, янада долзарб маъно касб этиб келаётган ижодида:

Эрурсан шох — агар оғохсен сен,

Агар оғохсен — шохсен сен,

байти алоҳида ўринга эга. Ушбу байт замирида бани башар қамоли, ҳар бир ўрт тараққийти, халқнинг тинч ва обод ҳаётининг муҳим асоси бўлган огоҳлиқ тушунчасининг кенг маънодаги тавсифи ифода топади. Мутафаккир фикрича, халқ олдида масъул бўлган шохнинг огоҳлиги ҳар томонлама тақомилга етган бўлиши, мамлакат олдидаги, унинг яқин келажагидаги жараёнларни, жоиз бўлса, элнинг ҳар олган нафаси ҳолини англамоғи даркор.

Алишер Навоий асарларининг энг юксак устунларидан бири адолат ғоясидир. Подшо учун “бир соатлик адолатли бўлиш олти соатлик ибодатдан афзал”, деган ҳадиси шарфиди асос билиб, мулки давлатни одиллик билан бошқариш муҳим, деган тамойил илгари сурилади. Адолат мамлакат оқсоғишга, ижтимоий-сиёсий барқарорлиги гарови эканини ўз фикрлари орқали далиллайди. Навоий биргина “Онаи зол” (“Кекса она”) ҳикоясида қонун устуворлиги, қонун олдида барчаннинг тенглиги, ҳатто шохларнинг ўзлари ибрат кўрсатиб, қонунга паноҳ бўлишлари ғояси устувордир.

Шоир давлатчилик масалаларида Низомулмулк, Ғаззолий, Амир Темур томонидан ҳаётга татбиқ этилган “хавфу ражо” (қўрқиш ва умидворлик) тамойилини қўллаб-қувватлайди. Унинг адолат ҳақидаги фикрлари ҳам шу тамойилга мувофиқдир. Бунинг маъноси шунки, марказлашган давлат мустаҳкам ва хавфсиз бўлиши учун ҳар қандай айирмачилик, хиёнат ва зулмнинг олди олиниши шарт. Бунинг учун эса шохнинг ғазабидан барча қўрқиши лозим. Аммо шох ёмонлик ва хиёнатни ўтқир сиёсат билан бартараф этар экан, айна пайтда содиқ, вафодор хизматчилар, аъёнларга марҳамат кўрсатиши, уларни сарафроз этиб туриши керак. Бу принцип лашкар тузиш ишида ҳам қўлланилади. Подшога содиқ лашкар душман устидан ғалаба қилиши мумкин, лекин лашкарбошилар норози бўлса, исён кўтарди ва натижада душман ғалаба қилади. Навоий бунини “Садди Искандарий” дostonида Доро қўшинининг мағлубияти мисолида кўрсатиб беради.

Қўллаб тадқиқотларда Алишер Навоийнинг одил шох тимсоли, адолат ҳақидаги ғоялари ҳақида сўз боради, шу туфайли шоир меросини давлат бошқаруви тажрибаси нуқтаи назаридан батафсил ўрганишга катта эҳтиёж бор.

Навоийни замонасининг энг буюк ахлоқшуноси, деб аташ мумкин. Таъкидлаш керакики, Алишер Навоий жамиятда шохнинг вазифалари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлган. У XV асрда гуллаб-яшнаган Ҳусайн Бойқаро давлатининг маънавий раҳнамоси, деяр эътироф этилган бежиз эмас. Навоий ўзбек миллий давлатчилигининг энг гуллаган даври вакили, аниқроғи, ана шу давлатчилик ривожига бевосита ва билвосита ҳисса қўшган зот сифатида ҳам ардоқланади.



Навоий ижодида алоҳида ўрин тутган “Муншаот” асари, айниқса, улкан адабий ҳазина — “Хамса” да давлатчилик асослари, давлат ва жамият бошқарувининг муҳим тамойилларига чуқур муносабат билдирган. Биргина “Ҳайрат ул-аброр” да жамият фаровон, ҳукумат адолатли, инсон бахтли бўлмоғи учун нималар лозимлиги хусусида фикр юритилган йиғирмага мақолот, “Фарҳод ва Ширин”нинг ўнлаб фасллари, айниқса, “Садди Искандарий” дostonи бобларида айна шу мавзуда ибратли воқеяларни баён этади, бутун эл-юрт бирдамлиги, шод-хурамлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олиш улугъ саовба мушарраф этувчи зғу иш эканини бот-бот таъкирлайди:

То ғамдодур Навоий, даҳр анга таққорлар,

Шод англамас улусни биров бўлса қайғулик,
Бу сўзлар буюк шоир Навоийнинггина эмас, балки йирик сиёсатдон, давлат арбоби, вазири аъзам Низомиддин амир Алишернинг ғоявий йўриқномаси эди. Яъни эл ичра биров ғамгин бўлса, унинг учун шодлик бегона.

Бугунги ёш авлоднинг чинакам ватанпарвар инсон бўлиб шаклланишида Навоийнинг давлат ва жамият бошқаруви йўналишидаги ҳаётий-фалсафий фикрлари қимматли тарбия мактаби бўла олади. Навоий миллий давлатчилик асосларини барпо этишнинг маънавий масалаларида алоҳида ёндашади. Зотан, маънавий юксалиш ва маърифий тарбия ҳар қандай давлат бошқаруви ва мамлакат равнақини мустаҳкамловчи устундир.

Алишер Навоий давлат бошқаруви ҳодимларининг халқ олдидаги масъулияти масаласига жиҳдий эътибор қаратади. Асосий қонунимизда ўз ечимини топан: “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” (2-модда), деган жумланинг Навоий давридаги инъикоси, шоир тарғиб этган миллий давлатчилик маърифати концепцияси моҳиятини қуйидаги мисраларда яққол кўриш мумкин:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Навоий ижоди муҳаббат ва вафо, дўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, халоллик, мардлик, саховат, қаноат, адолат, олижаноблик қаби азалӣ ва абадий мавзулар юксак маҳорат билан қаламга олингани, ёмонлик, зулм, ноҳақлик, эътиқодсизлик, бевафолик, дилозорлик, ҳасад, риё, кибр, ёлгон сингари иллатлар кескин танқид қилингани сабаб ҳам барҳаётлик касб этиб бораверади. Инсоният бор экан, эзгулик улуғланиб, жаҳолат қораланар экан, Навоий асарларига ташналик ортаверади.

Алишер Навоий том маънода миллат куёшидир. Унинг нафақат давлатчилик, балки қомил инсон ҳақидаги қарашлари ўз ақсини топан серқирра ижодини ўқиш ва ўрганишга барчамиз бурчлигимиз. Навоий мезонидида қомил инсон қандай бўлиши кераклигини теран англаш ва улугъ аҳдодларга муносиб ворис бўлиб етишишда Навоий асарлари бекиёс маънавий-маърифий қўмакчи бўла олади.

Айнан улугъ зотнинг илм ва ижод уммонидан баҳраманд бўлган юксак маънавиятчи, маърифий қамолотга интилаётган, етук тафаккурга эга бўлган бугунги авлод Навоий қўйлаган адолатли давлат ғояси, буюк давлатчилик орзусининг қирраларини янада теранроқ кашф этишга қодир бўлади.

Ўзбекистон

Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига асосан, мамлакатимизда ва хорижда бир қатор тадбирлар, илмий анжуманлар ўтказилмоқда.



“АЖАБ САОДАТ ЭРУР ЧИҚСА ЯХШИЛИҚ БИЛА ОТ...”

Санкт-Петербург шаҳрида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги нишонланди

Буюк мутафаккир ижоди асрлар давомида бутун инсониятни эзгуликка, тинчлик ва дўстликка даъват этиб келган. Шу боис, ҳатто энг оғир давларда Алишер Навоий мероси инсонлар қалбига ёруғ қунларга умид уйғотган. 1941 йилнинг 10 декабрь кuni, Иккинчи жаҳон урушининг энг муҳиш давларида Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) дахшати қамал исқанжасида қолган пайларда Давлат Эрмитажиди Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан илмий-анжуман ўтказилган.

Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича жаҳон жамияти ташаббуси билан Россия Давлат Эрмитажи раҳбариятига ҳазрат Навоийнинг 580 йиллиги ҳамда қамал даврида ўтказилган адабий анжуманга 80 йил тўлиши муносабати билан ушбу нуфузли маданият масканида илмий-бадий кеча ташкил этиш режалаштирилган эди. Жорий йилнинг 10-11 декабрь кунлари мажмур тадбирда иштирок этиш учун Ўзбекистоннинг таниқли фан ва маданият арбоблари, олимлар ва адиблар, оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат делегация Санкт-Петербургда бўлиб қайтди.

Дастлаб, Россия Фанлар академияси Шарқ кўлэмалари институтида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида бағишланган анжуман ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Қахрамони, олим ва таржимон Иброҳим Ғафуров, навоийшунос олимлар Шухрат Сирожидинов, Афтондил Эркинов, Султонмурод Олим, Олимжон Давлатов, Буробий Ражабова, Россия Фанлар академияси Шарқ кўлэмалари институти директори Ирина Попова ва бошқалар Навоий меросининг бугунги кундаги аҳамияти, унинг инсонпарварлик ғоялари, навоийшунослар жасорати хусусида сўз юритишди.

Таъкидланганидек, ушбу тадбир катта тарихий аҳамият касб этади. 1941 йил оғир қамал кунларини бошидан кечирётган шаҳарни фашистлар дамба-дам тўлга тутишар, бомба ёғдиришар, очлик ва ҳар дақиқада ҳужум сабабли ўнлаб инсонлар ўлимига рўпара келарди. Ана шундай бир пайтда буюк мутафаккир таваллудининг 500 йиллиги Эрмитаж ертўласида ўтказилган. Унда И.Орбели, Н.Лебедев, Е.Бертельс, Б.Потроковский, И.Крачковский, В.Рожественский сингари машҳур олимлар ва адиблар иштирок этган.

Ушбу тадбирда шарқшунос олим Иосиф Орбели бундай деганди: “Бугун жуда мураккаб бир пайтда Навоий таваллудини нишонлаяпмиз. Душманлар шаҳарни мажолсиз ва жонсиз деб ўйлаётган бир пайтда бу тадбирнинг ўтаётгани халқнинг мардона руҳидан, унинг буқилмас иродадан дарак беради. Биз, албатта, ғалаба қозонамиз ва тинчлик шароитида Навоий таваллудини муносиб тарзда нишонлаймиз. Аммо душман замбараклари остида ўтаётган бу тадбир инсон хотирасида абадий қолади. Ҳеч нарсасга қарамасдан шеърят яшайверади ва уни ҳеч қандай куч мағлуб этолмайди”.



Орбели нутқ сўзлаётганда икки марта кучли портлаш юз беради. ҳамма деразага қарайди. Фашистларнинг икхита бомбаси Нева дарёсига келиб тушганди. Шунга қарамай, одамлар йиғилишни тарк этмаиди, шеърхонлик давом этади.

— Очлик, муҳтожлик, қаҳратон совуқ, турли касалликлар бутун шаҳарни исқанжага олганди, — дейди Давлат Эрмитажи раҳбари Михаил Пиотровский. — Марҳум отам Борис Пиотровский ўша йилларда Эрмитажга раҳбарлик қилган, ундан қамал дахшати, ўша пайтда бу ерда ўтказилган навоийхонлик ҳақида кўп эшитганман. Шаҳар фашистлар томонидан қамалга олинган, душман ҳар лаҳзада шаҳар устига ажал ёғдириши мумкин эди. Аммо олимлар Навоийга бўлган ҳурмат туфайли ўз жонини хатарга қўйиб бўлса-да, мажлисга етиб келган. Ушанда бутун шаҳарда чирок ўчган, Эрмитажда электр таъминоти узилмаган. Нева дарёсидаги, бир пайтлар императорга тегишли бўлган “Қўтб юлдузи” яхтасидан электр улаб, Эрмитажнинг чироклари ва печларини ёқилган. Олимлар очликдан силласи қуриган бўлса-да, аранг оёқда туриб, Навоий ижоди хусусида мулоҳазаларини билдиришган, рус тилига таржима қилинган шеърлари ўқиб берилган.

— Дунёнинг исталган бурчагида Ўзбекистонга оид осори-атиқаларни топиш мумкин, — дейди Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича жаҳон жамияти бошқаруви раиси Фирдавс Абдухаликов. — Хусусан, буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий адабий меросига ҳар доим, ҳар ерда алоҳида эътибор ва эҳтиром билан қараляди. Очиғи, Иккинчи жаҳон урушининг дахшати давларида ҳам Навоий меросига муносиб эҳтиром кўрсата олган ленинградлик олимлар жасорати таҳсинга сазовор. Бугунги тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад эса ана шу мероснинг аҳамиятини яна бир қарра намойиш қилишдан иборат.

Россия Фанлар академиясининг Шарқ кўлэмалари институтида Алишер Навоийнинг

ўнга яқин нодир кўлэмаси, жумладан, “Арбаъин”, “Махбуб ул-қулуб”, “Мақолис ун-нафоис” сингари асарларнинг ноёб нусхалари сақланади. Ўзбекистонлик олимлар институтидаги қатор нодир манбалар билан яқиндан танишиди.

Шу кунги Россия Миллий кутубхонасида ҳам ўзбек ва рус олимлари иштирокида учрашув ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, икки асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган ушбу кутубхонада 40 миллион нусхадан ортиқ китоб, газета ва журнал, ноёб ҳарита ва кўлэмалар сақланади. Бу ердан Алишер Навоийнинг ҳаётлик даврида кўчирилган бир қатор нодир манбалар ҳам ўрин олган.

— Буюк мутафаккир Алишер Навоий ва Фёдор Достоевский ижодида ҳам жуда кўп муштарак жиҳатларни учратиш мумкин, — дейди Ўзбекистон Қахрамони, адабиётшунос Иброҳим Ғафуров. — Жумладан, Достоевскийнинг “Телба”сидаги князь Мишкин нимаси биландир Навоийнинг Махнунига ўхшаб кетади. Ҳар икки қаҳрамон севги йўлида бу дунёнинг хою ҳавасларига этак силкиди, улар бу жамиятдан бегона, аммо уларнинг қалбига эзгулик, муҳаббат мавж уради.

Россия Миллий кутубхонасига “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” китоб-альбомининг 35 та жилди, шунингдек, Ф.Достоевскийнинг Иброҳим Ғафуров таржимасида чоп этилган китоблари тақдим этилди. Ўзбекистонлик меҳмонлар кутубхонада Навоий ижодида мансуб бебаҳо асарлар, жумладан, “Илк девон”, “Қуллиёт”, турли йилларда кўчирилган девонлар билан танишишди.

Буюк шоирнинг 580 йиллиги муносабати билан ташкил этилган бу галги тадбир тинч ва оқсоғишта шароитда, файзли ва тароватли кечди. Навоий ижодидаги инсонпарварлик ғоялари, Навоийнинг Россияда сақланётган кўлэмалари, Ҳирот адабий муҳити ҳақида маърузалар ўқилди. Рус ва ўзбек тилларида Алишер Навоий ижодидан намуналар тингланди.

— Навоий ижодини ўрганишда рус олимларининг хизмати беқиёс, — дейди филология фанлари номзоди Султонмурод Олим. — Навоий ижоди бўйича илк диссертация ҳам айнан Санкт-Петербургда, 1857 йилда рус олими М.Никитский томонидан химоя қилинган. Айни пайтда Россияда Навоийнинг саксондан ортиқ кўлэмаси сақланади. Шу маънода, навоийшуносларнинг ташифи Навоий ижодини янада чуқур ўрганишмида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева Навоий газаллари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этди.

Рустам ЖАББОРОВ,
Тошкент — Санкт-Петербург — Тошкент

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан йўриқатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 4115.

75974 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳих: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 22:00 Топширилди — 22:55

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz